

АУДИТОРЛИК ХУЛОСА
Ижобий фикр билдирилган

Сана: 12 май 2021 йил

“Andijon xududiy elektr tarmoqlari korhona” си
акциядорлик жамияти кузатув кенгашига

Манзили: “Andijon xududiy elektr tarmoqlari korhona” си **акциядорлик жамияти**.
Андижон шаҳри А.Хайдаров кўчаси 53 уй. АТБ Саноатқурилиш банк Бунёдкор бўлими.
х/р 20210 000 000 285 972 001. МФО 00076. Окэд 35120. ИНН 200 230 792

Биз масъулияти чекланган жамият шаклидаги «TTT-AUDIT» аудиторлик ташкилоти
(Манзили: 150100. Фаргона шаҳри Янгиобод кўчаси 5 уй. ХАБ “TRAST BANK” Фаргона ш.
х/р 2020 8000 1009 2188 6001, МФО 01123, ИНН 202216926, ОКЭД: 69202, тел (0 373)
2416448 email: ttdaudit@mail.ru. web.sait; ttd-audit.uz Ўзбекистон Республикаси Молия
Вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча хўжалик юритувчи
субъектларда аудиторлик текшируви ўтказиш ҳукуки билан 05.04.2019 йилда берилган АФ
№ 00773-сонли Лицензияси ҳамда Адлия Вазирлиги томонидан 12.05.1997 йилда № 335 –
реестр билан рўйхатга олинган гувоҳнома) бош директори бош аудитор САР Ботиров М Х
ва бош аудитор **Хожияқборов С.Г** томонидан (*Аудитор малака сертификати №- 05468*
11.03.2017 йилда Молия Вазирлиги томонидан берилган) хўжалик юритувчи субъект
“Andijon xududiy elektr tarmoqlari korhona” си **акциядорлик жамияти** томонидан тақдим
этилган молиявий ҳисоботнинг “Бухгалтерия баланси” Ф-1, “Молиявий натижалар” Ф-2,
“Хусусий капитал”, “Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот” шаклларида иборат 2020 йил
01 январидан- 2020 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботнинг ишончлилигини
мажбурий тарздаги аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги конун
ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички
назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан
ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз “Andijon xududiy elektr tarmoqlari korhona” си **акциядорлик жамияти**
томонидан илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик.
Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик
жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги конун ҳужжатларига мувофиқлиги ва
ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига
мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга
эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини
режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект “Andijon xududiy elektr tarmoqlari korhona”си акциядорлик жамиятининг 2020 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги
«ТТТ-AUDIT» аудиторлик ташкилоти бош
директори, бош аудитор САР

Бош аудитор



Ботиров М Х

Хожиакбаров С

Аудитор малака сертификати № 05052
25.08.2017 йилда Молия Вазирлиги
томонидан берилган